

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлашга доир пудрат шартномаси**№ 6****Янгийул тумани**

Кейинги ўриналарда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгийул тумани Халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи (устав, низом, ишончнома) А.Халиков бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган "MEVAJI QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyati номидан Низом (устав, низом, ишончнома) асосида иш кўрувчи У.М.Эргашев иккинчи томондан 29-мактабнинг спорт майдони атрофини темир тусиқлар билан ураш ва ювиниш ҳамда кийиниш хоналарини жорий таъмирлашга доир мазкур пудрат шартномасини тўздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:
ижро ҳужжатлари – натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилинадиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

таъмирлаш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитилинадиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитилинадиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Янгийул туманидаги 29-мактабнинг спорт майдони атрофини темир тусиқлар билан ураш ва ювиниш ҳамда кийиниш хоналарини жорий таъмирлашга лойиҳада қўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда таъмирлаш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (Энг яхши таклифни танлаб олиш) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг Қарори (29.09.2022 йилдаги 154271-лот баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда 446 578 560 (Турт юз кирк олти мил.топ беш юз еттиш саккиз миң беш юз олтиш) сўми ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг таъмирлаши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга I-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачини а мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

I-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тўшириш, оморга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик нишоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тўзилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тўзилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

таъмирлаш майдонда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли таъмирлаш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

таъмирлаш майдони қуриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага I-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига I-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 20 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматнинг 30% яъни 133 973 568 (Бир юз ўттиз уч миллион тўққиз юз етмиш уч миң беш юз олтмиш саккиз) сум миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган таъмирлаш тугаллангандан кейин икки босқичда тўланадиган миқдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида - ишлар қийматининг камида 70 фоизи миқдориди; мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг 3 фоизигача миқдориди, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектка мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вакилини – техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган таъмирлаш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи таъмирлаш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жарёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашishi схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилиш назорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материали, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилишчи санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунгача ва таъмирлаши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган таъмирлаш майдони

худудда материаллар, асбоб-ускуналар, таъмирлаш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга муганосиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи таъмирлаши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 2 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати таъмида Объектни том қисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмася, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаярда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0.7 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачининг шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмининг тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.1 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.2% фонзи миқдорига пеня тўлайди, бироқ буида пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 0.3% фонзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.2% фонзи миқдорига пеня тўлайди, буида пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.3% фонзидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0.2% фонзи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларини ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Коррупцияга қарши курашиш бўйича бандлар

66. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш доирасида томонлар коррупцияга қарши курашиш қондаларига, шу жумладан амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди; уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефициарлари ва уларнинг шериклари, шартномани бажариш бўйича пора бериш ёки олиш, порахўрликда воситачилик қилиш, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора беришдан воз кечишларини таъминлаш ёки моддий ёки номоддий фойда олиш ҳамда томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш чораларини кўришни қафолатлайди.

67. Коррупцияга қарши кураш қондалари бузилган ёки асосли шубҳалар юзага келган тақдирда томонлар бир-бирларини дарҳол ёзма равишда (антисоррупцион@укс.уз) электрон почта орқали ёки телефон орқали (+9978-140-74-48) хабардор қилиш мажбуриятини оладилар. Томонлар вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма тушултириш талаб қилишга ҳақли. Мурожаатни қабул қилган Томон еса 10 (ўн) иш кунини ичида ўз фикрини билдириши ёки изох бериши мумкин.

68. Ушбу банддаги талаблар бажарилмаганда, шу жумладан, коррупция хавфини белгиланган муддатда бартараф этиш, тарафлар томонидан коррупцияга оид вазиятнинг пасайишига олиб келадиган чоралар кўрилмаган тақдирда, бошқа томон шартномани бекор қилиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туришга ҳақли.

69. Ушбу бандда назарда тутилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган тарафга етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг 5-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни бузган томон шартномани бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарлар учун компенсацияни талаб қилишга ҳақли емас.

XVII. Алоҳида шарҳлар

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

Пудратчи таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноатига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришига ҳақсиздир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

76. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йили 31 декабргача.

XVIII. Томонларнинг банк реқвизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи:

Пудратчи:

Янгийўл туман Халқ таълими бўлими

"MEVALI QURILISH" МЧЖ

Манзил: Янгийўл тумани Гўлбаҳор кўрғони

Манзил: Самарқанд вил. Пастдарғом тумани,

Х/р: 401722860272597092100075006

Х/р: 20 208 000 000 302 445 001

Ҳазначидиги х/р: 23402000300100001010

Т/НН: 302 928 298

Т/НН: 201122919 Т/НН: 200588118

МФО: 00 282


Банк: Тошк.ш., МБ ХККМ.

Банк: "Ўрбон Банк" АТИБ Самарқанд филиал

МФО: 00 014

Раҳбар: _____ А.Халиков

Раҳбар: _____ У.М.Эргашев

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	AKROM XALIKOV ALISHEROVICH
	Imzolangan sana	4 okt 2022 12:24
	Hujjat kodi	BK2160110487
	Hulosa kodi	QQ1160028506

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Пастдарғом тумани
ҳокимлиги
Тадбиркорлик субъектларини
ро'yxатдан о'тказиш
ИНСПЕКЦИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Пастдарғом тумани
ҳокимлиги
Тадбиркорлик субъектларини
ро'yxатдан ўтказиш
ИНСПЕКЦИЯСИ

ЮРИДИК ШАХСНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами: 996

№ 371

«24» апрел 2014 йил

Мазкур гувоҳнома юридик шахс «MEVALI QURILISH» масъулияти чекланган
жамияти га

(узбек тилидаги тулик номи)

(юридик шахс булган дехкон хўжаликлари, фермер хўжаликлари учун
ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

берилган.

Ташкилий ҳуқуқий шакли:
Мулкчилик шакли:
Почта манзили:
Юридик шахс коди:
Тармоқ коди:
Солиқ тўловчининг
идентификация рақами:
Кўшимча маълумотлар:

ТХШ	<u>1153</u>
МШ	<u>142</u>
МХОБТ	<u>1718227880</u>
КТУТ	<u>25149140</u>
ХХТУТ	<u>61110</u>
СТИР	<u>302928298</u>

Изоҳ:

М.У

Ваколатли орган раҳбари:-

С. Суванов

Б.Суванов.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154271 на приобретение Текущий ремонт.

Способ проведения электронный

Дата 29.09.2022

Время рассмотрения 29.09.2022 15:01

Закупочная комиссия Янгийул туман Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Комиссия раиси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Секретарь комиссии	ABDUMOVLONOVA AZIZA SAIDGANIYEVNA	Котиба	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	DADAJANOV ABDUJALOL JURABAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул туман Халк таълими бўлими
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халк таълими бўлими
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHVAY ERKINBAYEVICH	Комиссия аъзоси	Янгийул тумани Халк таълими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.09.2022 года № лота 154271.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	«Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani Nihol MFY hududida joylashgan 29-umumiy o'rta ta'lim maktabining sport maydonini atrofini temir to'siqlar bilan o'rash va yuvinish hamda kiyinish xonalarini qurish».
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	448 378 660.00
Стартовая сумма	448 378 660.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини бажариш учун техникалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" OMAD-STANDART-SERVI S' mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	425959727	10	Экспертная		
MEVALI QURILISH MCHJ	10	Техникалари тўғрисида маълумот.	10	Экспертная		
OOO GRAND VERVE	10	426959726	10	Экспертная		
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	10	10	10	Экспертная		
OOO AZIA STARS SHOP	10	малумот юкланди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №2 Кафолат хатлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха сметага асосан жорий таъмирлаш ишларни сифатли бажариш тўғрисида ва танлов иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича кафолат хатлари.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" OMAD-STANDART-SERVI S' mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	425959727	10	Экспертная		
MEVALI QURILISH MCHJ	10	Кафолат хатлари такдим килинди.	10	Экспертная		
OOO GRAND VERVE	10	425959726	10	Экспертная		
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	10	10	10	Экспертная		
OOO AZIA STARS SHOP	10	малумот юкланди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №3 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" OMAD-STANDART-SERVI S' mas'uliyati cheklangan	10	425959727	7	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
jamiyati						
MEVALI QURILISH MCHJ	10	Объектини кўздан кечирганлиги ва офёрта тўғрисида маълумот.	10	Экспертная		
000 GRAND VERVE	10	425959726	7	Экспертная		
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	10	10	10	Экспертная		
000 AZIA STARS SHOP	10	малумот юкланди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №4 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотга хизмат кўрсатувчи банкдан бир йиллик касса айланмаси ва K2да қарздорлик мавжуд эмаслиги, ишчилар сони, солиқлар ва мажбурий йиғимлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-тамоилларинг мавжуд эмаслиги ва инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотлар.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
" OMAD-STANDART-SERVI S" mas'uliyati cheklangan jamiyati	10	425959727	10	Экспертная		
MEVALI QURILISH MCHJ	10	Маълумотлар	10	Экспертная		
000 GRAND VERVE	10	425959726	10	Экспертная		
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	10	10	9	Экспертная		
000 AZIA STARS SHOP	10	малумотлар юкланди	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
" OMAD-STANDART-SERVI S" mas'uliyati cheklangan jamiyati	448 378 660.00	425 959 727.00 UZS	425 959 727.00	00.00	425 959 727.00	28.09.2022 15:49:46	15
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	448 378 660.00	435 000 000.00 UZS	435 000 000.00	00.00	435 000 000.00	29.09.2022 11:06:17	14.68827
MEVALI QURILISH	448 378 660.00	446 578 560.00 UZS	446 578 560.00	00.00	446 578 560.00	29.09.2022 09:29:35	14.30744

MCHJ							
ООО GRAND VERVE	448 378 660.00	425 959 726.00 UZS	425 959 726.00	00.00	425 959 726.00	29.09.2022 10:47:08	15

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"OMAD-STANDART-SERVIS" mas'uliyati cheklangan jamiyati	78.625	15	93.625
SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK	82.875	14.68827	97.56327
MEVALI QURILISH MCHJ	85	14.30744	99.30744
ООО GRAND VERVE	78.625	15	93.625
ООО AZIA STARS SHOP	Не прошел	Не прошел	Не прошел

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154271 от 29.09.2022 года на приобретение Текущий ремонт. определила победителем:

MEVALI QURILISH MCHJ
302928298

и резервный исполнитель: SIRDARYO KO'XNA SHARQ XK (301722912)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XALIKOV AKROM ALISHEROVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUXAKIMOV ANVAR UMIRZAKOVICH	Согласен	
Член комиссии	DADAJANOV ABDUJALOL JURABAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDASHEV BOTIRBEK UBAYDULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRAXMEDOV ERGASHVAY ERKINBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
 Янгийул туман Халқ таълим бўлими
 _____ А.Халиков

БАЁННОМА № 10

Янгийул туман

"04" октябрь 2022 йил

Раислик қилувчи:
 Янгийул туман Халқ таълим бўлими: _____ А.Халиков

Қатнашчилар: _____ комиссия аъзолари
 (А.Дадажонов, А.Абдухакимов, Э.Мирахмедов, Б.Абдашов,)

КУН ТАРТИБИ

Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 29-мактабнинг спорт майдонини атрофини темир тусиклар билан ураш, жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш.

2022 йил 29 сентябрдаги Давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган "Янгийул тумани ҳудудида жойлашган Янгийул туман Халқ таълими тасаруфидаги 29-мактабнинг спорт майдонини атрофини темир тусиклар билан ураш, жорий таъмирлаш ишларини олиб бори ишларини олиб бориш. буйича" баённомасига асосан эълон якунига қўра, комиссия аъзолари томонидан Мевали курилиш МЧЖ ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги УРК, 684-сон Қонунинг 62-моддаси 3-бандига асосан баённома Давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 29 сентябрдаги баённомасига асосан Мевали курилмиш МЧЖ ташкилоти голиб деб топилганлигини инобатга олиб, ташкилот билан қонунчиликка асосан шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

А.Дадажонов
 А.Абдухакимов
 Э.Мирахмедов
 Б.Абдашов
 А.Абдумавлонова.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi:

Shartnomaga

2. Loyihaning nomi.

"MEVALI QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyati va Yangiyul tuman Xalk ta'limi bo'limi bilan Yangiyul tumanidagi 29-sonli umumta'lim maktab binosini 446 578 560 (Turt yuz kirk olti million besh yuz etmiash sakkiz ming besh yuz oltmish) so'mlik ta'mirlash to'g'risida.

3. Loyiha taqdim etuvchi to'g'risida malumot: Loyiha Yangixayot tuman xo'jalik xisobidagi dezinfeksiya stansiyasi hamda Yangiyul tuman Xalk ta'limi bo'limi tomonidan Markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 29.09.2022 yilda kiritilgan, hujjat raqami BK2160110487.

4. Ushbu shartnoma loyihasi fuqarolik kodeksi hamda 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi. Shuningdek, loyihaga ilova qilingan hujjatlar bilan tanishib chiqilganda, Xalk ta'limi b'udimi xarid komissiyasining O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021 yildagi O'RQ-684-sonli "DAVLAT XARIDLARI TO'G'RISIDA"gi Qonunining 62-moddasi talabiga ko'ra o'tkazilgan tanlashni o'tkazish natijalariga asosan tuzilgan bayonnomasi 29.09.2022 yildagi № 154271- Lot orqali "MEVALI QURILISH" mas'uliyati cheklangan jamiyati g'olib deb topilgan.

Shartnoma loyihasida Korrupsiyaga qarshi qoidalarining asosiy shartlari qo'yilgan.

Xarid komissiyasining faoliyatining tashkil qilinishi hamda baholash mezonlarining to'g'ri o'tkazilganligi hamda komissiya a'zolarining elektron ovoz berishdagi ishtiroki to'grisidagi masalalar yuzasidan shaxsiy mas'uliyat xarid komissiyasi raisi va a'zolarida ekanligi tushuntiriladi;

Bundan tashqari, loyiha taqdim etuvchiga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007 yil 28 fevraldagi PQ-594-sonli "Davlat budjetining g'azna ijrosi tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori talablari asosida G'aznachilik bo'limidan majburiy tartibda ro'yxatdan o'tkazish lozimligi, ushbu shartnoma ro'yxatdan o'tkazilgandan so'ng kuchga ega bo'lishi to'g'risida ma'lum qilinadi.

4.Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izoh: Shartnomaning moliyaviy jihati bilan bog'liq masalalar huquqiy ekspertiza predmetiga kirmaydi.

Yangiyo'l tumani adliya bo'limi
yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi boshlig'i



S.Djamalov
03.10.2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Республика Шахарсозлик экспертизаси

100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 244-04-85, E-mail: davexpertiza@exat.uz,
devexpertiza@umail.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: INOYATOV MIRABBOS MIRKOMOLOVICH

Sana: 21-09-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 61924

Obyekt nomi «Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani Nihol MFY hududida joylashgan 29-umumiy o'rta ta'lim maktabining sport maydonini atrofini temir to'siqlar bilan o'rash va yuvilish hamda kiyilish xonalarini joriy ta'mirlash»

Buyurtmachi - Yangiyo'l tuman Xalq ta'limi bo'limi

Bosh loyihachi - «ARX STROY TA'MIR» MChJ

Litsenziya AJ-000845 15.06.2020y.

Moliyalashtirish manbal - Byudjet mablag'lar.

Bosh pudratchi - Tanlov savdolari orqali aniqlanadi

Qurilish turi Ta'mirlash tiklash

Murojaat raqami: № 57073

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Belgilangan tartibda keltirilgan va 2021 yil buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyihalash topshirig'i.

1.2. 2022 yil «ASIA GEOINNOVATION» MChJ tomonidan bajarilgan ishlar maydonchasining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risidagi xulosa.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

Loyiha tarkibiga ko'ra elektron shaklda taqdim qilingan loyiha-smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Ishlar maydonchasining ma'lumotlari.

Tashqi havo harorati - 14,0°C.

Normativ shamol bosimi - $W_0 = 0,38$ kPa.

Normativ qor qatlami vazni - $S_n = 0,50$ kPa.

Tuproqning zilzilaviylik tolfasi - II (ikkinchi).

Mikroseysmik tumanlar haritasi bo'yicha - 7 ball.

Yerosti suvlari yer yuzasidan 2,5 metr chuqurlikda aniqlangan.

Tuproq-gruntlarning muzlash chuqurligi - QMO 2.01.01-94 bo'yicha 0,70 metr takroriylik 50 yil, 0,48 metr takroriylik 10 yil.

3.2. Asosiy ko'zda tutilgan ishlar.

Obyekt Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani Nihol MFY joylashgan 29-umumiy o'rta ta'lim maktabi hududida. Yer sirti relyefi tekis. Loylhaga ko'ra sport maydonini atrofini temir to'siqlar bilan o'rash va yuvinish hamda kiyinish xonalarini ta'mirlash ko'zda tutilgan.

-Yuvinish hamda kiyinish xonalarini - loylhaga ko'ra o'lchamlari o'qlarda 9,6x5,4 metr, binoning umumiy balandligi yer sathidan h=4,7 metr.

Ichki pardoziqlash:

Devorlar va pardevorlar - yaxshilangan suvoq, tekislangan, suv emulsiyali bo'yoq bilan bo'yalgan. Sanitariya xonalari keramik plitlar bilan qoplangan.

Eshiklar - metall-plastik.

Oynalar - metall-plastik.

Shiftlar - plastik listlar qoplanadi.

Pollar - keramik plitka va linoleum qoplanadi va h.k.

Tashqi pardoziqlash:

Devorlar - dekorativ suvoq.

Eshik (kirish qismi) - metal.

Poypesh - yaxshilangan suvoq, keramik plitka (kabanchik).

Temir panjara - moyli kraska bilan kraslanadi va h.k.

3.3. Konstruktiv yechimlari.

Poydevor - tasmasimon monolit temir-beton.

Yuk ko'taruvchi devorlar pishiq g'isht.

Tom yopma - yig'ma temir-beton yumaloq bo'shilqil plitka. Orayopma chegaralari bo'ylab zilzilga qarshi antiseysmik kamarlar qilinishi ko'zda tutilgan.

Tom qismi - 120mm qalinlikdagi keramzit, yog'och konstruksiya va asbestotsement listlar bilan yopiladi.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

Mazkur obyektning smeta hujjatlarida tashqi yoritish chiroqlari, suv va oqava suv tarmog'lari ko'zda tutilgan.

Yoritkich sifatida LED yoritkichlari belgilangan.

Issiq suv ta'minoti uchun 100 litrli ARISTON elektr suv isitgichlar ko'zda tutilgan.

5. Loyihani keshilganligi to'g'risida hujjatlar.

5.1. Belgilangan tartibda keshilgan va 2022 yil buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan nuqson dalalanomasi.

5.2. Buyurtmachi loyihaviy hujjatlarni tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan keshilishi lozim.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ishchi loyiha ekspertiza ko'rigiga buyurtmachining arxitektura va rejalashtirish, texnologik, ichki muhandislik, energiya tejamlorlik va boshqa yechimlari bo'yicha e'tirozlarisiz taqdim etilgan.

6.2. Yer ishlarini bajarishdan oldin, kutilmagan holatlarning oldini olish uchun, mavjud bo'lgan yer osti muhandislik tarmoqlari va kommunikatsiyalarining haqiqiy joylashuvini, mahalliy ekspluatatsiya xizmatlari vakillari bilan aniqlash zarurligi ta'kidlanadi.

6.3. Ekspertiza jarayonida soxalar ekspertlari xulosalarining izohlari buyurtmachi va loyihachi tomonidan to'lliq qabul qilinib, ishchi loyihaga tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi.

6.4. Ekspert tekshiruvi natijalariga ko'ra ishlar qiymati 501 930,052 ming so'm miqdorida topshirilgan ishlar qiymati 53 551,392 ming so'mga iqtisod qilinib, 448 378,660 ming so'm qilib belgilandi, shu jumladan:

- Qurilish-montaj ishlari - 386 059,567 ming so'm;

- Uskunalar narxlari - 3 834,920 ming so'm;

- QQS - 58 484,173 ming so'm.

Ishlar narxining pasayishi ish hajmlarini aniqlashtirish, materiallar narxlarini qayta ko'rib chiqish, hisoblash me'yorlarini muvofiqlashtirish hisobidan shakllantirildi.

6.5. Ushbu xulosa ishlar shartnomasini tuzish, pudratchi tomonidan bajarilgan qurilish-montaj ishlari hajmi bo'yicha o'zaro hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun asos bo'la olmaydi.

6.6. Buyurtmachiga quyidagilar tavsilya etiladi;

-qurilish materiallari (mahsulotlar, tuzilmalar) va ilhozlarning narxi mintaqaviy bozorda, shuningdek to'g'ridan-to'g'ri ishlab chiqaruvchilar (yetkazib beruvchilar) tomonidan, hamda, birja byulletenlari va qurilish materiallari yarmarkalari, yetkazib beruvchilarning ulgurji narxlarini asosida, kataloglardan va boshqa manbalardan aniqlanishi kerak;

6.7. Loyiha tashkiloti Buyurtmachiga o'rnatilgan tartibda ekspertiza tomonidan berilgan taklif va e'tirozlar yuzasidan qabul qilingan ko'rsatmalar asosida (loyiha tashkiloti tomonidan) loyiha-smeta hujjatlariga tegishli o'zgartirishlarni kiritgan holda taqdim etishi kerak. Loyiha tashkiloti berilgan javoblar uchun mas'ul va javobgardirlar.

6.8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 17.09.2021 yildagi 579-sonli qarorining III-bob 29-bandiga, ShNQ 1.03.06-13, II bob, 8-bandi muvofiq «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining to'lliqligi, ma'lumotlarning ishonchlilikligi yuzasidan buyurtmachiga va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiqaruvchi javobgar hisoblanadi.

6.9. Vazirlar Mahkamasining 25.05.2021 yildagi 321-sonli qarori va ShNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun obyektning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Toshkent viloyati Yanglyo'l tumani Nihol MFY hududida joylashgan 29-umumiy o'rta ta'lim maktabining sport maydonini atrofini temir to'siqlar bilan o'rash va yuvinish hamda kiyinish xonalarini tanirish»obyekti bo'yicha smeta hujjatlari kelgusida ko'rib chiqish va kelishishga tavsilya etiladi.

Bosh mutaxassis: KAMBAROV GIYOSBEK SAYFIDINOVICH